



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
RAYOSATI MAJLISINING BAYONI**

2022 yil « 15 » mart

№ 40

Toshkent sh.

ХДФУ
нусха № _____

Раислик қилди: А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Қатнашдилар: Д.Б. Қодиров – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари
А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, С.У. Умурзаков, Ш.М. Ғаниев, А.А. Абдуҳақимов, З.Б. Маҳкамова – Бош вазир ўринбосарлари
Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ўринбосари,
Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари *(рўйхат бўйича)*
Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари *(рўйхат бўйича)*
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

КУН ТАРТИБИ:

2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ва Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг асосий вазифалари тўғрисида

(А.Арипов, А.Раматов, Б.Закиров, Б.Саидов, А.Шин, А.Тошқулов, Б.Мусаев, С.Саифназаров, А.Абдувалиев, А.Бобоев, Т.Ишметов, Ж.Қўчқоров, А.Арипов)

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, 2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш, Уй-жойлар қурилиши бўйича тасдиқланган параметрлар ижросини таъминлаш, шунингдек, уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси қарор қилади:

I. 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида.

1. **Молия вазирлигининг** (Ишметов) 2021 йилда ижтимоий соҳа объектларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун ажратилган маблағлар параметрларига **1-иловага** мувофиқ аниқликлар киритилганлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ–5144-сон қарорига асосан қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли дастури **7-иловага** мувофиқ;

б) **2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури** доирасида:

пахса ва хом ғиштдан қурилган ҳамда бугунги кунда авария ҳолатидаги мактабларни қайта қуриш ва таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **8-иловага** мувофиқ;

туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **9-иловага** мувофиқ;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ўлчов тарозиларини ўрнатиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **10-иловага** мувофиқ;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган таъмирталаб ва авария ҳолатидаги кўприклар ва бошқа сунъий иншоотларни қайта тиклаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **11-иловага** мувофиқ;

эркин иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий-индустириал зоналар ва бошқа махсус саноат зоналарига олиб боровчи ички автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **12-иловага** мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги янги метрополитен йўналишларини қуриш объекти доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **13-иловага** мувофиқ;

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **14-иловага** мувофиқ;

“Ўзсувтаъминот” АЖ тизимидаги фойдаланувчи ташкилотларни махсус техникалар ва қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари билан таъминлаш режаси **15-иловага** мувофиқ;

амалга ошириладиган тегишли лойиҳаларнинг аниқлаштирилган параметрлари **16-иловага** мувофиқ;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал қўйилмаларнинг қайта тақсимооти **17-иловага** мувофиқ;

қўшимча ажратилаётган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **18-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхатида Шаҳрисабз тумани тоғ олди ҳудудларида 3,2 минг гектар лалми ерлар ва яйловларни ўзлаштириш бўйича 2021 йилда бошланган “Тамшуш” дюкерини реконструкция қилиш ҳамда “Оқдарё” хўжалиги ҳудудида босимли қувур тармоғини қуриш ишларини якунлаш учун 22,8 млрд сўм ажратиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг (Азимов) жорий йилда картошка ва сабзавот экинлари экиш мавсуми бошланаётганлигини инобатга олиб ҳамда ушбу ҳудудга суғориш сувлари етказилишини жадаллаштириш мақсадида “Тамшуш” дюкерини реконструкция қилиш ва “Оқдарё” хўжалиги ҳудудида босимли қувур тармоғини қуриш учун ажратилган лимит доирасида молиялаштиришни бошлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Халқ таълими вазирлиги (Саидов) умумтаълим мактаблари учун жиҳоз ва ускуналарни харид қилиш учун Дастурда назарда тутилган лимит (233,2 млрд сўм) ҳисобидан 2021 йилда умумтаълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва техник воситалар билан жиҳозлаш, шу жумладан, уларни етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари учун тузилган шартномалар бўйича зарур маблағ ажратилишини таъминласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (Мусаев) таклифини инобатга олган ҳолда Дастур доирасида тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасаларни жиҳозлаш учун ажратилган лимит (50,0 млрд сўм) ҳисобидан Тошкент вилояти Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасини махсус тиббий жиҳозлар билан таъминлаш режаси **19-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштирилаётган йўналишларнинг асосий параметрларидаги бошқа соҳалар учун назарда тутилган капитал қўйилмалар лимитида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кредиторлик қарздорликлар инобатга олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2022 йилда Тошкент вилоятида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатнинг аниқлаштирилган параметрлари **20-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг 2021 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 2021 йилда фойдаланишга топширилиши белгиланган, амалда якунланмаган объектларга тегишлилиги бўйича Дастурда тармоқлар ва ҳудудларга ажратилган лимитларнинг иқтисод қилинган ва тақсимланмаган қисми ҳисобидан зарур маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда мазкур объектлар, уларнинг қолдиқ қийматлари қайта ҳисобланмаган ҳолда, фойдаланишга топширилиши белгилаб қўйилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда буюртмачилар томонидан тақдим этилган тегишли ҳужжатлар асосида қурилиш манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда келишилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар – буюртмачи ташкилотлар:

уч кун муддатда – Дастур доирасида қурилиши белгиланган объектлар учун ер майдони ажратилишини таъминласин;

бир ҳафта муддатда – барча йилдан йилга ўтувчи объектларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхатларни Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилсин;

икки ҳафта муддатда – объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишини яқунлаган ҳолда улар бўйича электрон тендер савдоларига эълон берилишини таъминласин.

9. **Молия вазирлиги (Ишметов), Сирдарё вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) икки ҳафта муддатда** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 294-сон қарорига мувофиқ Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида Давлат бюджети ҳисобидан қуриб, фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйлар бўйича, уларнинг кафолат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши лозим бўлган 5 фоизлик қарздорликни қоплаш учун 45,8 млрд сўм ажратилишини таъминласин.

10. **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров):**

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 июлдаги 415-ф-сон фармойишига мувофиқ Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида давлат ижтимоий буюртмаси бўйича амалга оширилаётган 6 та ичимлик сув объектларини Дастур доирасида давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳалари учун ажратилган лимит (16,0 млрд сўм) ҳисобидан тегишли экспертиза хулосаларига асосан молиялаштиришнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин;

Самарқанд шаҳрида “У.У.Жўрақулов кўчасидан С.Айний кўчаси бўйлаб сув тармоғини (Ø1000 мм) алмаштириш” объектидан иқтисод қилинадиган маблағни шаҳар марказини узлуксиз ичимлик сув билан таъминловчи “Чўпон ота сув иншоотидан Улуғбек обсерваториясигача магистрал ичимлик сув тармоғини реконструкция қилиш” объектига йўналтирсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, Дастурга асосан вазирликлар ва идораларнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун алоҳида сатрларда ажратилган лимитларнинг объектлар бўйича тақсимоти лойиҳа ташаббускорлари томонидан амалга оширилади.

Бунда Дастур доирасида ажратилган маблағлар қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ҳукуматнинг алоҳида топшириқларида белгилаб берилган лойиҳаларга йўналтирилиши, мақсадли ва самарали ўзлаштирилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият лойиҳа ташаббускорларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юкланади.

12. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг (Хидоятлов) Дастур доирасида вазирликка ажратилган лимитни қайта тақсимлаш ҳисобига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5084-сон қарорига асосан Наманган шаҳри Давлатобод туманининг иссиқлик тизимини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасини жорий йилда тўлиқ якунлаш учун 118,0 млрд сўм ажратиш;

Тошкент тумани, Келес шаҳарчаси, “Озодлик” МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли хонадонларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар бўйича кредиторлик қарздорликни қоплаш учун 413,0 млн сўм ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

13. Наманган вилоят ҳокимлиги (Абдуразақов) бир ҳафта муддатда:

Давлатобод туманининг иссиқлик тизимини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаси доирасида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилган кредит маблағларининг 5 фоизли кафолат қолдиқ суммасини (7,6 млрд сўм), истисно тариқасида, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ўтказиш чораларини кўрсин;

Давлатобод тумани, 4-кичик массивидаги 42-сон мактаб ҳудудида қурилаётган РК-2 марказий қозонхонаси учун 0,34 гектар ер участкаси ажратилишини таъминласин.

14. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2021 йил 8 сентябрдаги 130-сон баёнига мувофиқ Дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажариладиган тегишли объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотлари 2021 йилда танланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги (Исаков):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарорига асосан 2022 йилда ажратилган маблағлар доирасида тегишли буюртмачилар томонидан 2021 йилда танланган лойиҳа ташкилотлари билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказган ҳолда тўловларни амалга оширсин;

тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2021 йил IV чораги давомида махсус ахборот порталида (шу жумладан, “Шаффоф қурилиш” платформасида) эълон берилиб, танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиҳа ҳамда пудрат ташкилотлари билан буюртмачи ва ғолиб ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар бўйича 16-сон баён (07.03.2022 й., 02-РА 1-3183-сон) билан Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш манбаи ва манзилли рўйхатлари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда тасдиқланган манзилли рўйхатга мувофиқ тегишли объектларни (лойиҳаларни) молиялаштириш чораларини кўрсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 16-сон баёнга мувофиқ Давлат бюджетидан ажратилган 140,0 млрд сўм ҳисобига 442 км узунликдаги ички йўлларни таъмирлаш лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин ҳамда ушбу ишлар сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини, ажратилган маблағлар мақсадли ишлатилишини таъминласин.

16. **Бухоро вилояти ҳокимлиги (Зарипов), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Спортни ривожлантириш вазирлиги (Икромов)** Бухоро шаҳрида қурилаётган универсал спорт мажмуасидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, бўш майдонларда бокс ва шахмат мактаблари ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш юзасидан лойиҳа ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

17. **Навоий вилояти ҳокимлиги (Турсунов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Абдуразаков), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Маданият вазирлиги (Назарбеков)** Навоий ва Наманган шаҳарларида қурилаётган кўғирчоқ театрлари биноларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, бўш майдонларда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш юзасидан лойиҳа ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

18. **Мудофаа вазирлиги (Курбанов), “Трест 12” АЖ (Назиров)** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 273-ф-сон фармойишига мувофиқ Қуролли Кучлар Академияси бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш (III босқич) ишларини 2022 йил 30 августга қадар тўлиқ якунлаш ва объектни фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

19. **Маданият вазирлиги (Назарбеков)** ҳамда **Молия вазирлигининг (Ишметов)** таклифини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 9-сон қарорига мувофиқ Самарқанд вилояти рус драма театри биносини мукамал таъмирлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган лимит (3 165,0 млн сўм) Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон давлат ёшлар театри биносида амалга оширилаётган мукамал таъмирлаш ишларига йўналтирилсин.

20. Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев):

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 18 февралдаги 02-РА 1-2203-сон ва 02-РА 1-2204-сон топшириқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан:

Наманган шаҳри “Бунёдкор маҳалласи ҳудудида ичимлик сув тизимларини қуриш” лойиҳасига қўшимча 72,0 млрд сўм;

Хива шаҳар кўчаларини қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 56,0 млрд сўм;

б) “Ўзсувтаъминот” АЖнинг асосланган ҳисоб-китобларига асосан Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Эшаккўприксой” осма кўпригида юзага келган табиий офат натижасида ишдан чиққан магистрал оқова сув коллекторини (Ø800 мм, 120 м) таъмирлаш ҳамда мавжуд носозликларни бартараф этиш учун республика бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

21. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов):

Термиз шаҳри “Чегарачи” маҳалласи “Ибн Сино” кўчасида қурилган кўп қаватли 110 та уйнинг оқова сув тизимларини қуриш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш ишларини бошлаш мақсадида “Ўзсувтаъминот” АЖга Дастур доирасида кўп қаватли ва намунавий уйлар, хизмат уйлари ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш учун ажратилган лимитлар ҳисобидан 4,8 млрд сўм;

Сергели туманидаги Қипчоқ кўчасини (Тошкент айланма йўлидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган ПК53+20 – ПК97+80 қисми) қуриш ва реконструкция қилиш ишларини якунлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИКга Дастурда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 20,0 млрд сўм ажратсин.

22. Спортни ривожлантириш вазирлигининг (Икрамов) вазирлик ҳузуридаги “Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК фаолиятини тугатиш ҳамда унинг актив ва мажбуриятларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИКга ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда “Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК фаолиятини тугатиш билан боғлиқ барча тадбирлар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 14 февралдаги 19-сон баёни талаблари асосида амалга оширилиши белгилансин.

23. Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Давлат чегарасида делимитация ва демаркация жараёни давом этаётганлиги сабабли, Дастурга киритилган Наманган вилоятидаги “Курнос-Араб-Ғова” умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлини қуриш (I-босқич) объекти вақтинча консервация қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

24. **“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг (Хасилов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ–2979-сон қарори** ижросини таъминлаш мақсадида “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳаси доирасида бажарилган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган техник-иқтисодий ҳисоб кўрсаткичлари асосида молиялаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

25. **“Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (Аллабергенов) “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳаси (II босқич) доирасида хорижда** ишлаб чиқариладиган товар, ускуна ва материаллар (алоқа тизими, станоклар, темир йўл ер усти материаллари ва бошқа маҳсулотлар) харидини амалга ошириш учун техник топшириқлар, харид ва тендер ҳужжатлари, истисно тариқасида, **икки ҳафта муддатда** экспертизадан ўтказилиши ва тегишли хулоса берилишини таъминласин.

26. **Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Вафаев) “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Махаматов) билан биргаликда “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳаси (II босқич) доирасида тузилган импорт контрактлари бўйича, уларни рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, ўн кун муддатда молиялаштиришни ташкил этсин.**

27. **Транспорт вазирлигининг (Махкамов) Юнусобод ва Сергели метро йўналишлари бўйича метро поездлари ҳаракатининг хавфсизлик даражасини таъминлаш борасида қўшимча ишлар бажариш зарурлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.**

28. **Қурилиш вазирлиги (Закиров) Транспорт вазирлиги (Махкамов), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Махаматов), “Тошкент метрополитени” ДУК (Усманов) билан биргаликда Юнусобод ва Сергели метро йўналишларини қуриш объектлари бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 740-сон қарори талаблари асосида ўзгартириш киритиш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини икки ой муддатда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

29. **Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) мазкур объектларнинг тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, истисно тариқасида, бир ҳафта муддатда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Тошкент метрополитени” ДУК томонидан тақдим этилган манзилли рўйхатлар асосида қурилиш ишларини молиялаштиради.**

Бунда ушбу тартиб асосида қурилиш ишларини молиялаштиришга жорий йил 1 июнга қадар рухсат берилади.

30. Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳаси (II босқич) бўйича қурилиш-монтаж ишларини жорий йилда яқунлаш учун қўшимча харажатларнинг (300,0 млрд сўм) молиялаштириш манбаини аниқлаш юзасидан **бир ҳафта** муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

31. Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг (Артикходжаев) “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа дастурлар доирасида Тошкент шаҳридаги кўчаларни ва ички йўللарни қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги “Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКни буюртмачи этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3127-сон қарори билан:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ташкилотлар учун йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш фақат “Uzavtoyo`lbelgi” ДУК томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги;

“Uzavtoyo`lbelgi” ДУКга, истисно тариқасида, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан маҳсулот сотиб олиш ва етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни танлов (тендер) савдоларини ўтказмасдан тузишга рухсат берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл инфратузилмасини замонавий кўринишга келтириш мақсадида давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва шу каби хизматларни кўрсатиш ишлари бўйича тегишли буюртмачиларга “Uzavtoyo`lbelgi” ДУК билан танлов (тендер) савдоларисиз тўғридан-тўғри шартномалар тузишига рухсат берилсин.

33-35. Махфий.

II. “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ва Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида.

36. 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 2022 йилда барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича манзилли дастур 21-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

37. Қурилиш вазирлиги (Закиров):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **уч кун муддатда** 2022 йилда барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивларини куриш лойиҳаларини тайёрлаш бўйича белгиланган тартибда манзилли рўйхатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини яқунлансин;

икки ҳафта муддатда лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда 2022 йилда барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивларини куриш лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кўп қаватли уй-жойлар куриш жараёнларида техник, муаллифлик ва ички назоратларни таъминлаш, курилиш-монтаж ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши устидан белгиланган тартибда доимий назорат ўрнатсин.

38. Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан **уч кун муддатда** 2022 йилда барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивларини куриш лойиҳалари ишлаб чиқилишини молиялаштирсин.

39. Кадастр агентлиги (Аллаберганов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** 2022 йилда барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивларидаги кўп қаватли уй-жойлар куриладиган ер участкалари бўйича қолган 116 та лотлар электрон онлайн-аукцион савдоларига қўйилишини таъминласин.

40. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари электрон онлайн-аукцион савдоларига қўйилган ер участкалари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, кўп қаватли уй-жойларни куриш ишларига салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш юзасидан амалий чоралар кўрсин.

41. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **бир ҳафта муддатда** “Янги Ўзбекистон” массивларининг ташқи ичимлик ва оқова сув объектлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий Кенгашлари томонидан муҳокама қилиниши ҳамда тасдиқланишини таъминласин.

42. Қашқадарё вилояти (Азимов), Навоий вилояти (Турсунов), Фарғона вилояти (Бозаров), Тошкент вилояти (Мирзаев) ҳокимликлари бир ҳафта муддатда “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш дастури доирасида ичимлик ва оқова сув объектлари бўйича лойиҳаларнинг архитектура-режалаштириш топшириғини ҳамда зарур ер майдонларини ажратиш бўйича қарорларни тасдиқласин.

43. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлигининг (Ишметов) “Янги Ўзбекистон” массивлари ташқи ичимлик ва оқова сув объектларини лойиҳа-қидирув ишларини жадаллаштириш мақсадида лойиҳа ташкилотларининг энг мақбул таклифлар асосида танлаб олиш ҳамда буюртмачининг дастлабки ҳисоб-китоблари асосида лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

44. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Эрманов) Хонқа тумани “Ёшлик” маҳалласи “Янги Ўзбекистон” массивида янги қуриладиган кўп қаватли уйларни ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида Хонқа туманидаги 2-сон касб-хунар мактаби худудидаги ичимлик сув иншоотини “Хоразм сув таъминоти” МЧЖ балансига беғараз ўтказиб берсин.

45. Хоразм вилояти ҳокимлиги (Эрманов) ва Молия вазирлигининг (Исаков) Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида зарур қурилиш материаллари, гул ва дарахт кўчатлари, бошқа товарларни харид қилиш бўйича шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари буюртмачилигида Республика хом-ашё биржасининг махсус электрон порталида эълон жойлаштирмасдан, энг яхши таклифларни танлаш асосида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳамда уларни “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда комплекс экспертизадан ўтказмасдан расмийлаштириш тўғрисидаги таклифларига, истисно тариқасида, розилик берилсин.

46. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йилда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жойлардаги квартираларни фойдаланишга топшириш режа-жадвали (11.03.2022 й., 05/1-625-сон) тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

47. Қуйидагилар:

янги тартиб бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан 2021 йилда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жойларнинг манзилли рўйхати **22-иловага** мувофиқ;

“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ва “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК буюртмачилигида 2021 йилда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жойларнинг манзилли рўйхати **23** ва **24-иловаларга** мувофиқ;

2021 йилда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жой массивларини йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъминлаш параметрлари **25-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг 2021 йил 5 апрелдаги 61-сон баёнига 1-илова билан тасдиқланган 2021 йилда янги тартиб доирасида ҳамда “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК иштирокида қуриладиган кўп қаватли уй-жойлар учун танланган массивларнинг манзилли рўйхати ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

48. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2021 йил 17 сентябрдаги 132-сон баёнига мувофиқ “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ва тадбиркорлик субъектлари томонидан биргаликда қурилиш ишлари олиб борилаётган массивларда автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ишларига буртмачи этиб “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бошланган ишларни якунига етказиш мақсадида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ва тадбиркорлик субъектлари томонидан биргаликда 2021 йилда қурилиши бошланган массивларда жорий йилда автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК томонидан амалга оширилсин.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ–5886-сон Фармонида асосан 2020 йилда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК иштирокида шаҳарларда кўп квартирали арзон уй-жойлар қуришнинг асосий параметрларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

“Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида 2020 йилнинг асосий параметрлари доирасида қурилган 4 256 та квартираларнинг ҳисобланган қиймати 1 280,2 млрд сўм, бошланғич бадаллар 229,7 млрд сўм ва аҳолига кредитлар бериш учун тижорат банкларида ажратиладиган ресурслар 1 050,5 млрд сўм миқдорида белгилансин.

Молия вазирлиги (Ишметов) 2022 йил Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар ҳисобидан ипотека кредитлари бериш учун қўшимча 13,6 млрд сўм миқдорида ресурслар ажратилишини таъминласин.

Ш. Кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

50. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Рахмонов), Молия вазирлиги (Ишметов), Марказий банк (Зоҳидов), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Давлат солиқ қўмитаси (Кудбиев), Давлат божхона қўмитаси (Мавлонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарув органларини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

махсус техника ва механизмлар сотиб олишга 210,0 млрд сўм, шу жумладан, Тошкент шаҳрига 90,0 млрд сўм миқдорида кредит маблағларини ажратиш ва кредит фоизларининг 14 фоиздан юқори қисмини қоплаб бериш, келгуси уч йилда импорт қилинадиган ускуна ва техникаларга божхона божларини “ноль” ставкада қўллаш;

каттиқ ва маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш хизматлари учун тўловларни бошқарувчи ташкилот томонидан йиғишни жорий қилиш бўйича танланган ҳудудларда кўрсатилган хизмат учун йиғилган маблағнинг 15 фоизгача бўлган қисмини ҳар ойда бошқарувчи ташкилотга рағбатлантириш учун йўналтириш;

кўп квартирали уйларнинг томлари ва деворларига реклама эълонларини бошқарувчи ташкилот ва мулкдорлар билан келишган ҳолда жойлаштириш, жойлаштирилган рекламадан тушадиган даромадни бошқарувчи ташкилот орқали кўп квартирали уйларни сақлашга сарфлаш назарда тутилсин.

51. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **жорий йил 1 августга қадар:**

“Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўп квартирали уйларни сақлаш ва улардан фойдаланиш учун минимал тарифни белгилаш борасида ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи тегишли Қонун лойиҳасини;

кўп квартирали уйлардаги мулкдорлар томонидан мажбурий бадаллар ўз вақтида тўланмаслиги оқибатида юзага келган дебиторлик қарздорликни ундириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда суд органларига даъво аризаси беришда бошқарувчи ташкилотни давлат божидан озод қилишни назарда тутувчи тегишли ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

52. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Жўраева) Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Рахмонов), Тошкент шаҳар прокурори (Маннонов), Тошкент шаҳар ИИБ (Вафаев), Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси (Саржанов) билан биргаликда **бир ой муддатда** ишчи гуруҳлар ташкил этган ҳолда Тошкент шаҳри туманларида мавжуд “оғир” тоифадаги 561 та уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини пухта ўрганиб чиқсин.

Ўрганиш натижаларига кўра **жорий йил якунига қадар** мазкур ширкатларни тугатиб, улар бошқарувида бўлган 3 мингга яқин кўп квартирали уйларни танлов ва рейтинг асосида бошқарувчи ташкилотларга бириктирсин ҳамда кўп квартирали уйларни бошқаришда “**кластер тизими**”ни жорий этсин.

Бунда кўп квартирали уйларнинг мулкдорларига кўрсатиладиган барча хизматлар турлари тўлиқ қамраб олинган ҳолда, бошқа қўшимча хизматлар кўрсатишни ҳам йўлга қўйиш учун тадбиркорлик субъектлари билан аутсорсинг шартномаларини тузиш инobatга олинсин.

53. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Тошкент шаҳар тажрибаси асосида республиканинг барча ҳудудларида **2023 йил якунига қадар “оғир”**

тоифадаги ширкатларни белгиланган тартибда тугатиб, улар бошқарувидаги кўп квартирали уйларни танлов ва рейтинг асосида бошқарувчи ташкилотларга бириктириш чораларини кўрсин.

54. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Рахмонов) Тошкент шаҳар прокурори (Маннонов), Тошкент шаҳар ИИБ (Вафаев), туманлар сектор раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда **бир ой муддатда** кўп квартирали уйларнинг ҳолатини яхшилаш ва уларни сақлаш мақсадида ҳар бир уйда уйбошилар фаолиятини самарали ташкил этсин.

Бунда уйбошилар:

бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини тўлиқ ишга тушириш ва аҳоли билан ишлаш, тўловларни ундириш ва мулкдорларнинг умумий мулкни сақлаш;

бошқарувчи ташкилотнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва ишсизларни иш билан таъминлаш;

кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларининг санитария ҳолатини сақлаш, атрофни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш;

кўп квартирали уйларнинг техник ҳолатини назорат қилиш ҳамда ноқонуний қурилмалар қурилиши бошланган ҳолларда Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш инспекциясига хабар бериш;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига мажбурий бадални тўлаш учун субсидия ажратиш **ишларига кўмаклашади.**

Белгилансинки, уйбошилар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида уларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ойига 1,5 млн сўмдан ойлик маош белгилаш ҳамда уларнинг иш самарадорлигига қараб ойлик маошига қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий қилинади.

55. Марказий банк (Зохидов) ҳамда тижорат банкларига уй-жой мулкдорлари ширкатларидан бошқарувчи ташкилотларга ўтказиладиган кўп квартирали уйларнинг кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни 2022 йил 1 апрелдан бошлаб уч йилга “музлатиш” тавсия этилсин.

Бунда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг банк кредитларини бошқарувчи ташкилотларга қайта расмийлаштиришда уй-жой мулкдорлари томонидан олинган кредит фоизларини сақлаб қолган ҳолда расмийлаштириш таъминлансин.

56. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Олий таълим вазирлиги (Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Саидов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) ижтимоий соҳа объектига коммунал ва ободонлаштириш (кўкаламзорлаштириш) хизматларини кўрсатиш бўйича **2022 йил 1 октябрга қадар** тегишли бошқарувчи ташкилот билан истисно тариқасида танлов ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ишларини ташкил этсин.

57. Қурилиш вазирлиги (Закиров) Кадастр агентлиги (Аллаберганов), маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда **уч ой муддатда 40 мингта кўп квартиралар** уйларга туташ ҳудудларнинг аниқ чегараларини белгиласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **жорий йил 1 сентябрга қадар** мулкдорлар ёки бошқарувчи ташкилотларга кўп квартиралар уй-жойларга туташ ер участкаларининг чегаралари ва ўлчамларини белгилаган ҳолда доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи қарорлар қабул қилсин.

Давлат солиқ кўмитаси (Кудбиев) Кадастр агентлиги (Аллаберганов), маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда **жорий йил 1 октябрга қадар** кўп квартиралар уй-жойларга туташ ер участкаларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда кўп квартиралар уй-жойларга туташ ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин. Бунда кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тўловлари икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан амалга оширилади.

58. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2022 йил 1 июлга қадар ҳудуддаги мавжуд бўш турган биноларнинг рўйхатини шакллантирсин ва уларни бошқарувчи ташкилотларга офис ёки аҳолига маиший хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш учун ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкада ўн йил муддатга ижарага бериш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 августга қадар кўп квартиралар уйлардаги яроқли ертўлалар тадбиркорлик субъектларига “E-ijara” электрон платформаси орқали ижарага берилишини таъминласин;

кўп квартиралар уйларни бошқарувчи ташкилотлар фаолият бошлаган кундан “Менинг уйим” биллинг тизимига уланишини таъминласин;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган кўп квартиралар уйларни бошқариш органларининг электрон реестрига фаолият юритаётган ва янгидан очилган бошқарувчи ташкилотлар бўйича тўлиқ маълумотлар доимий равишда киритиб борилишини таъминласин.

IV. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида.

59. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

бозорлар, маҳалла гузарлари ва аҳоли гавжум масканларда кўчат ярмаркаларини ташкил этиш орқали, уларнинг нархини барқарор сақлаб қолиш чораларини кўрсин;

Бош прокуратура, **Давлат солиқ кўмитаси (Кудбиев), Монополияга қарши курашиш кўмитаси (Шорахметов)** билан биргаликда кўчатлар нархининг асоссиз ошиб кетмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатсин;

икки ҳафта муддатда 2022 йилда барпо этиладиган “Яшил боғлар” ва “Яшил жамоат парклари” учун зарур ер майдонларини ажратиб, тегишли қарор нусхаларини Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига тақдим этсин;

“Яшил боғлар” ва “Яшил жамоат парклари”ни барпо этиш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан босқичма-босқич молиялаштириш чораларини кўрсин.

60. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Хоразм вилояти (Эрманов), Жиззах вилояти (Салиев) ва Сирдарё вилояти (Мирзаев) ҳокимликлари Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Бакиров) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** кўчат захираларини тўлиқ шакллантириш учун кўчат захираси етарли бўлган вилоятлардан кўчат олиб келинишини ташкил этсин.

61. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда ташкил этилган Ишчи гуруҳлар (штаблар) томонидан экилган кўчатлар тўғрисидаги кунлик маълумотларнинг “Яшил макон” электрон платформасига мунтазам киритиб борилишини таъминласин.

62. **Давлат экология қўмитаси (Обломуратов)** “Яшил макон” электрон платформасига киритилган ҳар бир дарахт ва буталар экилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги устидан назоратни кучайтирсин ва жараёнларни кенг жамоатчилик томонидан кузатиб бориш имкониятини йўлга қўйсин.

63. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Бакиров):

маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли ер майдонлари ажратилганидан сўнг **бир ой муддатда** “Яшил боғлар” ва “Яшил жамоат парклари”ни барпо этишга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин;

ажратилган маблағлар доирасида **жорий йил якунига қадар** “Яшил боғлар” ва “Яшил жамоат парклари” барпо этилишини таъминласин;

“Яшил боғлар” ва “Яшил жамоат парклари” ташкил этилиши бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ахборот киритиб борсин.

64. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибиятига (Абидов) юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**2021 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун ажратилган маблағларнинг
аниқлаштирилган параметрлари**

Т/р	Худудлар ва йўналишлар номи	Тасдиқланган режа	жумладан		Президент ҳужжатлари ва Ҳукумат тошхоналарига мувофиқ ўзгаришлар	жумладан		Аниқланган режа	жумладан		ВМ Раёсати мажлисининг 2021 йил 2 ноябрдаги 159-сон баёни 8-бандига асосан қайта тақсирот	жумладан		Яқуний аниқланган режа	жумладан	
			ПҚ-4936-сон қарорга асосан ажратилган республика бюджети маблағлари	республика бюджети		маҳаллий бюджети	республика бюджети		республика бюджети	маҳаллий бюджети		республика бюджети	маҳаллий бюджети		республика бюджети	маҳаллий бюджети
	Республика бўйича жами	900 000,0	900 000,0	332 369,0	337 669,0	1 237 669,0	1 232 369,0	5 300,0	0	0	1 237 669,0	1 232 369,0	5 300,0			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	47 220,0	47 220,0	17 074,0	22 374,0	69 594,0	64 294,0	5 300,0			69 594,0	64 294,0	5 300,0			
2	Андижон вилояти	53 270,0	53 270,0	47 661,0	47 661,0	100 931,0	100 931,0				106 294,6	106 294,6				
3	Бухоро	48 690,0	48 690,0	668,0	668,0	49 358,0	49 358,0				50 668,5	50 668,5				
4	Жиззах	39 900,0	39 900,0	22 064,0	22 064,0	61 964,0	61 964,0				65 317,1	65 317,1				
5	Қашқадарё	57 780,0	57 780,0	41 612,0	41 612,0	99 392,0	99 392,0				99 515,0	99 515,0				
6	Навоий	30 019,8	30 019,8	410,0	410,0	30 429,8	30 429,8				30 546,5	30 546,5				
7	Наманган	50 820,0	50 820,0	63 482,1	63 482,1	114 302,1	114 302,1				114 415,9	114 415,9				
8	Самарқанд	64 429,6	64 429,6	20 141,0	20 141,0	84 570,6	84 570,6				88 821,8	88 821,8				
9	Сурхондарё	50 550,0	50 550,0	84 637,0	84 637,0	135 187,0	135 187,0				136 435,7	136 435,7				
10	Сirdарё	47 928,9	47 928,9	2 838,0	2 838,0	50 766,9	50 766,9				53 413,1	53 413,1				
11	Тошкент	121 229,0	121 229,0	41 562,6	41 562,6	162 791,6	162 791,6				163 722,1	163 722,1				
12	Ферғона	80 093,2	80 093,2	18 059,7	18 059,7	98 152,9	98 152,9				98 922,4	98 922,4				
13	Хоразм	36 480,0	36 480,0	2 556,0	2 556,0	39 036,0	39 036,0				39 512,5	39 512,5				
14	Тошкент шаҳар	98 774,7	98 774,7	4 991,0	4 991,0	103 765,7	103 765,7				103 765,7	103 765,7				
15	Келуси йилги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ажратилган маблағлар	22 200,0	22 200,0	-20 824,0	-20 824,0	1 376,0	1 376,0				1 376,0	1 376,0				
16	Кредиторлик қарздорликлар учун ажратилган маблағ	50 614,9	50 614,9	-14 563,4	-14 563,4	36 051,5	36 051,5				-20 703,2	-20 703,2				

(млн.сўм)

**2021 йилда умумтаълим мактабларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун ажратилган маблағларнинг
аниқлаштирилган параметрлари**

(млн.сўм)

Т/р	Худудлар ва йўналишлар номи	Тасдиқланган режа	эжумладан		Президент хужжатлари ва Хукумат тошйорикларига мувофиқ ўзгаришлар	эжумладан		Жами аниқланган режа	эжумладан		Яқиний аниқланган режа	эжумладан	
			ПҚ-4936-сон қарорга асосан ажратилган республика бюджети маблағлари	республика бюджети		республика бюджети	маҳаллий бюджети		республика бюджети	маҳаллий бюджети		республика бюджети	маҳаллий бюджети
	Республика бўйича жами	2 265 000,0	2 265 000,0	1 274 372,1	1 147 447,5	126 924,7	3 539 372,1	3 539 372,1	3 412 447,5	126 924,7	3 539 372,1	3 412 447,5	126 924,7
1	Қорақалпоғистон Республикаси	82 780,4	82 780,4	-3 201,7	-5 979,2	2 777,5	79 578,7	79 578,7	76 801,2	2 777,5	79 578,7	76 801,2	2 777,5
2	Андижон вилояти	146 509,0	146 509,0	183 844,5	173 844,5	10 000,0	330 353,5	330 353,5	320 353,5	10 000,0	330 353,5	320 353,5	10 000,0
3	Бухоро	86 561,0	86 561,0	46 023,0	46 023,0	0	132 584,0	132 584,0	132 584,0	0	132 584,0	132 584,0	0
4	Жиззах	127 900,0	127 900,0	33 240,0	29 379,0	3 861,0	161 140,0	161 140,0	157 279,0	3 861,0	161 140,0	157 279,0	3 861,0
5	Қашқадарё	244 448,3	244 448,3	-15 245,7	-15 245,7	0	229 202,6	229 202,6	229 202,6	0	229 202,6	229 202,6	0
6	Навоий	84 822,0	84 822,0	41 010,0	38 728,8	2 281,2	125 832,0	125 832,0	123 550,8	2 281,2	125 832,0	123 550,8	2 281,2
7	Наманган	152 792,6	152 792,6	97 281,3	91 981,3	5 300,0	250 073,9	250 073,9	244 773,9	5 300,0	250 073,9	244 773,9	5 300,0
8	Самарқанд	174 111,8	174 111,8	132 264,6	115 461,2	16 803,4	306 376,4	306 376,4	289 573,0	16 803,4	306 376,4	289 573,0	16 803,4
9	Сурхондарё	163 003,0	163 003,0	126 806,7	113 806,7	13 000,0	289 809,7	289 809,7	276 809,7	13 000,0	289 809,7	276 809,7	13 000,0
10	Сирдарё	79 541,4	79 541,4	106 170,2	99 570,2	6 600,0	185 711,6	185 711,6	179 111,6	6 600,0	185 711,6	179 111,6	6 600,0
11	Тошкент	203 380,0	203 380,0	163 742,3	108 100,3	55 642,0	367 122,3	367 122,3	311 480,3	55 642,0	367 122,3	311 480,3	55 642,0
12	Фарғона	149 288,3	149 288,3	116 586,4	112 286,7	4 299,7	265 874,7	265 874,7	261 575,0	4 299,7	265 874,7	261 575,0	4 299,7
13	Хоразм	78 617,0	78 617,0	66 604,7	66 604,7	0	145 221,7	145 221,7	145 221,7	0	145 221,7	145 221,7	0
